



ТОШКЕНТ



ОҚШОМ

XXI сағоси
Барча маълумотлардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИВСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 86 (9.736) 2002 йил 24 июль, чоршанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

МИЛЛИЙ матбуот марказида ўтказилган «Барқарор ривожланишни таъминлашда давлатнинг роли» мавзусидаги анжуман «ЭКОСАН» жамғармаси ва «ЭКОСАН» ёшлар уюшмаси ҳамкорликларида уюштирилди.

ТОШКЕНТ Ислам университетидеги «Динлараро тотувлик — бағрикенглик омили» мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ҳуқуқшунос ва диншунос олимлар иштирок этди.

АВИАСОЗЛАР маданият саройида шахримиздаги ҳуқуқчи муҳофизатчиларнинг ишларида қатнашган ҳақиқатларни янада яхшилаш масаласи муҳофизат қилинди.

ШУНИНГДЕК, Тошкент Давлат техника университетида пойтахтнинг иқтисодий ёшлар ишларидаги ўзгаришларни янада яхшилаш мақсади билан «Фан ва техника тараққиётида ёшлар» деб номланди. Талабалар кули билан бунёд этилган техник жиҳозлар кўргазмаси эса йилгиларда яхши таассурот қолдирди.

«БУМИ» меҳмонхонасида шахримиздаги «Саломатлик» маркази ва шифокорлар ишларида «Юртимизда тиббиёт соҳасининг истиқболлари белгилаш» мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан уюштирилди.

«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ» меҳмонхонасида Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамкорликларида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури белгилаб берган вазифаларни такомиллаштиришда методик хизматининг роли» деб номланди.

ШАЙХОНТОХУР туманидаги 39-оилавий шифохонада Фахрий шифокорлар ишларида уюштирилган тадбир Қариялари кадрлар йилга бағишланиб, мутасаддилар томонидан эсдалик совғалари кекса шифокорларга топширилди.

ЯҚКАСАРОЙ туманида Республика халқ таълими маркази вакиллари, шахримиздаги касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ишларида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ўрта мактаб ўқувчиларининг касб-хунарга қизиқишларини янада фаоллаштириш масаласи муҳофизат қилинди.

ОНАЛИК ва болаликни ҳимоя қилиш марказида шахримиздаги иқтисодий болалар кули билан яратилган сопол буюмлар кўргазмаси намойиш этилди.

МИРЗО Улугбек туманидаги ички ишлар бошқармаси ташаббуси билан мазкур бўлиб иштирок этган спорт майдончаси туман мактаблари ўқувчиларига тўхна бўлиб қолди.



ИҚТИСОДИЁТ

Харидорларни мамнун этади

Пойтахтнинг «Тонг» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган мавсумий устки кийимлар ўзининг сифати, тикилиши, бугунги харидор талабига тўла жавоб бериши билан хорижийдан асло қолишмайди.

Бунинг асосий сабаби эса корхона мутасаддиларининг хорижий ҳамкорлар билан алоқани мустаҳкамлашга эътибор қаратаётгани, маркетинг хизматининг яхши йўлга қўйилгани ва шу асосда тажрибали модельер-конструкторлар томонидан янги бичимдаги замонавий эркаклар, аёллар ва болалар пальто, плащ, куртқа ҳамда бошқа махсулот турларининг яратилаётганлигидир. Бунинг натижасида эса корхона махсулотларига талаб ортиб бормоқда.

Ўтган йилда маҳаллий ва четдан келтирилган хом ашё ҳисобига 1,5 миллиард сўмликдан ортиқ махсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган корхона меҳнат аҳли, жорий йилнинг яқинда 850 миллион сўмликка яқин махсулот тайёрлашди. Шунини қувонарлик, корхона чеварлари буюртмаси талабини инобатга олган ҳолда сифатни асосий мезон қилиб олганлиги боис ҳам харидорларни мамнун эттирипти.

Корхонада фаолият кўрсатаётган цехлар орасида тажриба-тикув цехининг ўзига хос ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки аввало янги махсулот моделлари шу ерда яратилиб, харидор синовидан ўтган тикув цехи чеварларига тиккиш учун буюртма берилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу цех расом, конструктор-модельерлари ишлари билан 50 та янги кийим-кечак моделлари яратилди ва уларнинг бир қисмини ишлаб чиқаришга, яъни харидорларга тортиқ этишга муваффақ бўлинди.

Корхона ҳозирги кунда ички бозорга мах-



сулот тайёрлаётган бўлса, шу билан бирга ташқи бозорга чиқиш, экспортни йўлга қўйиш режалари устида ҳам ишламоқда. Германия, Бельгия давлатлари фирмалари билан ҳамкорлик қилишга интилишяпти. Германия фирмасига бир нечта янги моделларнинг нусхалари жўнатилган бўлса, Бельгия корхонасининг эса байрам кўстумларига берган буюртмаси усталар томонидан муваффақиятли ба- жарилди.

Сирасини айтганда, йил охиригача махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллиард сўмга етказишга аҳд қилган «Тонг» чеварлари имкониятларини ишга солиб, ҳамшаҳарларимиз ва ҳамюртларимиз учун кузги ва қишки кийимлар тайёрлашни авж олдиришган. Корхонанинг фирма дўконига эса ушбу махсулот турлари харидорлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: тикувчи Нилуфар Тастанова; тикув цехи йилнинг буюртмаларни ўз вақтида сифатли адо этишга интилишда.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Туманда «Соғлом оила» маркази

КЕЧА Карнай-сурнай садолари янграб, тумандаги оила марказининг очилиш маросими дарак берди. Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова, Тошкент шаҳар «Оила» марказининг раиси Гулнора Йўлчиева, Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими вакиллари, мактаблар директорлари, боғчалар мудирлари қатнашди.

Фарзандларининг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳаддан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши йўлидаги аҳамияти беқиёс ҳақида гапирдилар. Абдулла Қаҳҳор номи маданият уйининг «Хумо» дастла аззолари ўзларининг дилрабо қўшиқлари ҳамда гўзал рақслари билан тадбирга ўзгача шухуқ бағишладилар.

Мухаббат ХАБИБУЛЛАЕВА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида республика Хотин-қизлар кўмитаси, пойтахт ҳокимлиги ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини янада мустаҳкамлаш» мавзусида семинар ўтказилди.

Соғлом авлод, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофизат қилиш масалаларига келинги йилларда эътибор кучайиб, бу борада амалий гамҳўрлик авваламбор давлат даражасида кўрсатилаётгани барчамизга маълум. Бўлажак авлод манфаати йўлида, ёш оилалар мустаҳкамлиги ва фарзандлар камолтини кўзлаб Оила кодексини, «Она ва бола» давлат дастурлари қабул қилиниши, улар асосида ички амалий чора-тадбирлар татбиқ этилаётгани фикримизга далилдор. Биргина бу борада тиббиёт соҳасида эришилган ютуқларга назар ташласак, замонавий технологиялар асосида, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даволаш-таъхис муассасалари ва ситхаттоҳлар кенг тарзда фаолият юритаётгани, манзилли дастур бўйича янги-янги тиббиёт масканлари барпо этилиши, «Она ва бола» скрининг марказлари ва реабилитация мазмуларининг очилиши, қолаверса, қонуний ва ҳуқуқий меъёрлар асосида оила институти шаклланиб бораётганини кўраемиз. Уларни оммавий тарзда аҳоли саломатлигини, мустаҳкамлашга йўналтирилган амалий ишларнинг фақат бир қисми десак бўлади.

Пировард мақсад — оналар ва болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш йўлида жорий йилнинг бошида Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори қабул қилинган ва ушбу қарорга мувофиқ соғлом авлод, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оилаларнинг тиббий маданияти даражасини ошириш бўйича доимий фаолият юритувчи ҳуқумат комиссияси тuzилди.

Ўтган вақт мобайнида вазирликлар, идоралар, турли соҳа мутахассисларидан иборат бўлган комиссия томо-

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

нидан минтақалар ва худудлар бўйича кенг қамровли демография вазият ўрганилди ҳамда репродуктив саломатликни яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар самарадорлиги таҳлили ўтказилиб, бу йўналишдаги фаолиятни кучайтириш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини

Соғлом авлод камоли йўлида

ни мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори билан ҳуқумат комиссияси томонидан тавсия этилган дастурий тақлифлар тасдиқлаб берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар ҳам аёллар ва болалар соғлигини муҳофизат қилишнинг кучайтириш учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда галдаги вазифаларни амалга ошириш борасида нафақат давлат, балки барча нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаоллигини ошириш мақсадида уюштирилди.

Семинарда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фулмова янги дастурийнинг моҳияти ҳусусида фикр юритиб, унинг асосий йўналишлари устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Дастурда кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун давлат томонидан жумладан, чет эл валютаси ҳисобидан ҳам катта маблағ ажратилган. Демак, бу қилинаётган ишлар шунчаки чора-тадбирлар эмас, балки мақсадли равишда ва биринчи галда ҳар бир оила, ҳар бир аёл бўлажак инсон манфаати йўналтирилганлигини кенг омма оғига етказиш лозим. Шу тўғрисида дастурда оилалар тиббий маданияти

Вазифалар белгиланди

Шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгашининг наъбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда пойтахт Маънавият ва маърифат Кенгашининг аъзолари, университет, институтларнинг ректорлари, туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, фаоллар иштирок этди.

Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Ақромов олиб борди.

Кун тартибидеги дастлабки масала — Маънавият ва маърифат Кенгашининг 2002 йил биринчи ярим йиллик ҳисоботи бўйича сўзга чиққан Кенгашининг масъул котиби Садиқ Салимов 2002 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган режалар бажарилганлигини айтиб, айниқса С. Раҳимов, Юнусобод ва Ҳамза туманларида фаолият яхши йўлга қўйилганлигини таъкидлади. Ўтган даврда Кенгаш бошчилигида 1800 та тадбир ўтказилиб, унга 280 миң аҳоли қамраб олинган. Бир сўз билан айтганда, она-Ватанга муҳаббат, илм-маърифатни эгаллашга чанқоқлик, қарияларимизнинг ҳурмат қилиш, Ватан ва юрт олдида инсоний ва фуқаролик бурчларини бажаришга тайёргарлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган суҳбатлар Акмал Икромов, Мирзо Улугбек, Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Юнусобод, Яққасарой туманларида кўп бора ўтказилди, унда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган мавзулар қамраб олинди.

Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши қошидаги ишчи гуруҳи раҳбари, Тошкент Давлат педагогика университети проректори Абдуғаффор Қирғизбоев, шаҳар ҳокимлиги нозират бўлими бошлиғи Алишер Мирзобоев, Мирзо Улугбек тумани Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Иброҳим Абдуғаниев, I-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ректори Турғунулал Даминов, Тошкент радио касб-хунар коллежи директори Маъсуда Абдулхаева ва «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини олий ўқув юртлири, академик лицей, касб-хунар коллежлари, мактабларда ўрганишнинг самарасини ошириш, кутубхоналардаги ҳамда китоб дўконларида

сотилаётган адабиётлар, жой номлари реклама ва широрлар мазмун-моҳияти ҳақида шунингдек жойларда татбиқ этилаётган янгиликлар — маҳаллаларда оқсоқолнинг маънавият ва маърифат бўйича ўринбосари вазифаси, туманларда ёш олимлар кенгашлари тuzилаётгани тўғрисида атрафлича тўхталиб ўтишди. Маънавий ва маърифий йўналишдаги ишларни янада яхшилаш юзасидан ўзларининг тақлиф-мулоҳазалари, ўринли фикрларини билдиришди. Мухими, маънавий-маърифий соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш йўллари, 2002 йилнинг иккинчи ярим йиллигида асосий вазифалари белгиланди.

Тадбир сўнггида муҳофизат қилинган масалалар юзасидан Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши тағйишли қарор қабул қилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Фавкулотда вазиятлар ҳамда ўта муҳим тоифаланган объектларнинг кўриқланишини назорат қилиш идораларига комиссияларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Комиссия йиғилиши

Йиғилишида «Сувсос» Давлат унитар корхонасининг бошқарувчиси Рауф Қурбонов ушбу корхона тизимидаги тоифаланган объектларнинг ҳолати, уларнинг кўриқланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Сўнг Юнусобод ва Миробод туман комиссияларининг фаолияти таҳлил этилди.

Шунингдек, кун тартибидеги яна бир масала — Тошкент шаҳри худудидаги паноҳгоҳларнинг ҳолати ҳақида шаҳар Фавкулотда вазиятлар бошқармасининг бошлиғи Эргаш Икромовнинг ахбороти тингланган ва бу борада Мирзо Улугбек, Собир Раҳимов туманларида олиб борилаётган чора-тадбирлар муҳофизат қилинди.

(Ўз муҳбиримиз)

Жаҳонда

● Москвада ўтказилган «Шиа дунёси-2002» халқаро кўргазмасида Тошкентда фаолият кўрсатаётган «Советлар» кўша корхонаси раҳбари Шиаддин Бади-ий жихаддан юксак даражада тайёрлаган буюмлари учун Россия Меъморлар уюшмасининг дипломи билан тақдирланди.

● Қирғизистон Президенти Аскар Акаев Исчиқўлда дам олаётган Россия Федерациясининг биринчи Президенти Борис Ельцин билан учрашди.

● Хабар берганимиздек, Ҳиндистон Президенти этиб сайланган таниқли хинд физиги, мамлакатнинг ядро ва ракета дастури етакчиси Абдул Каломнинг Президентлиқни қабул қилиш тантанали маросими бугун бўлиб ўтди.

● Эквадор Марказий сайлов комиссияси раиси Карлос Агинага шу йилнинг 20 октябрга қуни мамлакатда президентлик сайлови бўлиб ўтишини маълум қилди. Унинг таъкидлашича, шу кун парламент ва маҳаллий органлар учун ҳам сайлов ўтказилиши режалаштирилган. Мамлакат раҳбарлигига ўндан ортиқ номзод бор.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича янги Олий комиссияси тайинланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича амалдаги комиссия раҳбари Мэри Робинсоннинг ўрнини Сержио Визейра де Мелло эгаллайди. Де Мелло айна пайтгача БМТнинг Шарқий Тимордаги миссиясига раҳбарлик қилган.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Фаластин мухториятига 14 миң мутахассис юборишни режалаштирмоқда. Аннанинг режасига кўра, улар мухториятда таълим инфратузилмасини ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишларни тиклашга кўмаклашишди.

● Исроил ҳаво кучларининг Ҳазо секторидеги фаластинликларга тегишли худудда амалга оширган операциялари тўғрисида 12 киши ҳалок бўлган ва 140 нафар киши жароҳатланган.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроилнинг Ҳазо секторидеги фаластинликлар яшовчи уйларга қилган ҳужумини қоралган.

● Руанда ва Конго Демократик Республикаси делегациялари вакиллари Конгода 4 йилдан бундан давом этаётган урушни тўхтатиш ҳақидаги шартномани маъқуллашган.

● Германиянинг Ганновер шаҳрида спортнинг кема моделсозлиги бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистоннинг «Ватанпарвар» ташкилоти тарбияланувчилари Шавкат Исмаилов ва Андрей Разуловский биттадан олтин медални, Ноил Ҳакимжонов эса бирданга иккинчи медални қўлга киритдилар.

